

AGRO



IQTISODIYOT



2

2021

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиктисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **Т.ФАРМАНОВ, М.ҚОСИМОВ, Н.АСКАРОВ.** Дуввакдидон ақинларини етиштиришда харажатлар таркиби ва меҳнат муносабатларини такомиллаштириш
8. **А.МИРЗАЕВ.** Суя ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг таъкилий асослари
11. **А.ABDULLOYEV, S.AMANOV.** Mintaqa investitsion joribadorligini baholash usullari
15. **Ф.ЮЛДАШЕВ.** Вопросы активизации инвестиционной деятельности банков путём создания финансово-промышленных групп
18. **Х.ҚАЛИМБЕТОВ, К.ХАЛМУРАТОВ, К.ПОЛАТОВ.** Қишлоқ хўжалигида иқтисослашув жараёни юз беришдаги муҳим шарт-шароитлар
21. **Н.ЖУРАЕВА.** Хотижий таърибалар асосида, қишлоқ хо'жалигида yangi xizmat turlarini tashkil etish imkoniyatlari
23. **М.ЭРХОНОВА, Х.ХУЖАКУЛОВ.** Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини биологик усулда химиялаш соҳасини ривожлантиришнинг назарий асослари
26. **З.ИШНИЯЗОВ.** Пахтачилик соҳаси фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари
28. **І.BERGASHEV, S.YULDASHEVA.** Paxtachilikda iqtisodiy samaradorlikni oshirish omillari
31. **А.АБДУЛҲУМИНОВ.** Озиқ-овқат саноатининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни
34. **Г.АДИЛОВА.** "Ақли қишлоқ хўжалиги" концепцияларини қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти
37. **Ж.ФАРМАНОВ.** Асаларчилик тармоғининг ўзига хос хусусиятлари, ўрни ва аҳамияти
40. **Д.ДЖАЛАЛОВА.** Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий етишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш йўллари
43. **З.ЮСУПОВ.** Қишлоқ хўжалигини техник модернизациялаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари
46. **С.ЖАМОЛДИНОВ.** Давлат солиқ инспекцияларида бухгалтерия ҳисобини ташкил етишнинг назарий асослари
49. **М.ТУРДУЙЕВА.** Sanoat korxonalarida innovatsiyalarning tutgan o'rni va roli
51. **З.ҚАЙИМОВА, А.АБДУЛЛАЕВ.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қалқаро стандартлар асосида рақобатбардор озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг айрим жиҳатлари
53. **З.РЕЙМБАЕВА.** Институционал механизмларнинг моҳияти ва институтлар трансформациясида уларнинг ўрни
56. **З.ШАНИЯЗОВА.** Қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг назарий ва концептуал асослари
58. **З.ГАЙНАЗАРОВА.** Avtomobilsozlik korxonalarida ilmiy-tadqiqot va ta'lim faoliyatini rivojlantirish
61. **М.ОРИПОВ, Н.РАХМОНКУЛОВА.** Бухоро вилоятида кичик саноат зоналарининг ривожланиши
64. **Қ.ПҲЛАТОВ.** Тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари
68. **Н.ХАЛЛИЕВА.** Бухоро вилоятининг туризм соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш
71. **А.ABDULLOEV, I.LATIPOV.** Oliy ta'lim muassasalarida ta'limning sifati va samaradorligini oshirish yo'llari
73. **А.ЖУЗБАЕВ.** Кичик бизнес субъектлари фаолиятини самарали молиялаштириш – соҳа тараққиёти сароми
77. **А.ОБЛОҚУЛОВ.** Кооперация муносабатларини ривожлантириш: Туркия таърибаси мисолида
80. **А.НАУРИЗБАЕВ.** Ақирдорлик жамиятларининг инвестицион фаолият йўналишлари
83. **Ф.ПОЛВОНОВ.** Деҳқон хўжаликларида сазавот маҳсулотларини сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги
86. **О.ГАЙБУЛЛАЕВ.** Инвестицион салоҳиятни плавлантириш ва самарали бошқаришнинг асосий йўналишлари
89. **Х.ТУРОВОВА, Л.ЖИЯНОВ.** Висоқтисодиёт: Вухоро вилоятида экин майдонларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари
92. **Д.МАТКАБУЛОВА.** Ўзбекистон экспортини ривожлантиришда туризм салоҳиятидан фойдаланишнинг такомиллаштириш йўналишлари
96. **А.АБДИЛАШИМОВ.** Ассалка и учет затрат в зерисеперерабатывающих кластерах
99. **М.НАЗАРОВА.** Мева-сазавотчилик тармоғида инновацион технологиялар: хорижий таъриба
102. **Д.РУСТАМОВА, Д.СУЛҲОНОВА.** Агробизнесда маркетинг стратегияси ва уни бошқаришнинг асосий йўналишлари
105. **Т.МАМАНАЗАРОВ.** Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий таърибалар: кейс-стади
107. **Н.СОЛТИЕВА.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари
110. **Б.ЖУВАНОВА.** Тадбиркорлик субъектларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш
113. **О.СHERMATOV, G.OLIMJONOVA.** Oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda meva-sabzotchilik sohasining o'rni
115. **Ш.АЗИЗОВ, О.МУСТАНОВ, Б.ЖҲРАЕВ.** Транспортлогистик тизимлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг назарий-услубий асослари
118. **М.ТАИРОВА, М.НИЯЗОВ.** Современные системы оценки персонала предприятия по методу КРІ
121. **К.ШОДМОНКУЛОВ.** Кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришда индустриал париларнинг ўрни
124. **Д.ЯНИТИБОВЕВ.** Лалми ерларда маҳсулот етиштиручиларни ахборот билан таъминлаш масалалари
127. **Н.АШУРМЕТОВА, Г.ХАМДАМОВА.** Jahon va o'zbekistonda organik qishloq xo'jaligini rivojlantirish tendentsiyalari
131. **Д.ШАМШИТОВА.** Классификация экономических потер наносимых предителями сельскохозяйственному производству
133. **Ш.ИТАМОВА.** Перспективы дальнейшего развития промышленности строительных материалов
136. **А.ХАТАМОВ, З.САБУРОВА.** Аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш жараёнини такомиллаштириш
139. **Б.ИШНИЯЗОВ.** Қишлоқ хўжалиги тармоғини молиялаштириш муаммолари ва ечимлари

ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Зоҳид ИШНИЯЗОВ,

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти таянч докторанти

Аннотация: Мақолада республикаимиз пахтачилик тармоғидаги ютуқлар, эришилган иқтисодий самарадорлик категориялари натижалари ҳамда 2021 йилда 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси етиштирилганлиги, 100 фоиз қайта ишлашга элишилганлиги, тармоқдаги иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги долзарб муаммолар ечими ҳақида иқтисодий таҳлил натижалари берилган.

Аннотация: В статье представлены результаты экономического анализа достижений хлопководческой отрасли страны, результаты категорий экономической эффективности и тот факт, что в 2021 году выращено более 3,4 млн тонн хлопка-сырца, 100% переработано.

Abstract: The article presents the results of an economic analysis of the achievements of the country's cotton industry, the results of the categories of economic efficiency and the fact that in 2021 more than 3.4 million tons of raw cotton were grown, 100% processed.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида Молиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади аҳолини тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш асосида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг сифатли, арзон озиқ-овқат маҳсулотларига, sanoat корхоналарини эса хом-ашёга бўлган талабларини узлуксиз қондиришга қаратилгандир. Ушбу мақсадга эришишда ўсимликчиликнинг асосий тармоқларидан бири бўлган пахтачилик тармоғи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини истиқболли ривожлантиришнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Бозор шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш деганда биринчи навбатда пахтачилик соҳасини ривожлантириш тушунилади. Чунки, пахтачилик тармоғи ўзининг иқтисодий, ижтимоий аҳамияти жиҳатидан миллий аграр иқтисодиёт асосини ташкил этади.

Ер юзиде 80 га яқин, Ўзбекистонда эса - 40 га яқин техник экинлар экилади. Уларнинг ичида пахта асосий экин ҳисобланади. Ёўза етиштиришдан пахта хом-ашёси ва ёўзаполя олинади. Пахта хом-ашёсини бирламчи қайта ишлаш жараёнида пахта толеси ва чигит олинади. Одатда, пахта толеси чиқиши 30-35, уруғи эса - 60-65 фоизни ташкил этади. Бир тонна пахта хом-ашёсини қайта ишлашда 3000 м.куб.га яқин газлама, 100-110 кг ёғ, 200-250 кг кунжара, 50-60 кг. шелуха, 10 кг. хўжалик совуни ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперациялар берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имкони-

ни яратди.

Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Фармонга асосан 2025-йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми 100 миллиард долларга етказиш мақсад қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Енгил sanoatни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарорига мувофиқ ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, пахта толесининг сифати бўйича халқаро стандартлар ва талабларга жавоб берадиган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тезпишар ва серҳосил селекция ёўза навларини оқилона жойлаштириш ҳамда 2020 йил пахта ҳосили учун чигит экиш ишлари бўйича комплекс тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилади.

Ўзбекистон пахтачилигида истиқбол вази-фа унинг ялпи ҳажмини кескин камайтирмаслик, унинг сифатини яхшилаш, асосий қисmini минтақада қайта ишлаш ҳисобланади. Пахтачилик ва у билан боғлиқ бўлган халқ хўжалиги тармоқларини интенсив ривожлантириш, мавжуд меҳнат, ер, сув ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади, республика иқтисодиётининг барқарор ўсишига реал шароит яратади.

Калит сўзлар: хусусий кластер, рақамли иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги корхоналари, инновацион технологиялар, самарадорлик, ялпи ички маҳсулот, тадбиркорлик, ҳосилдорлик.

Бозор тамойиллари асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бозор қонуниятларига бўйсинадиган шароитда барча омиллар тенг бўлган вазиятларда пахта хом ашёси ва тола ҳосилдорлиги ортиб бориши пахта етиштиришчи фермер хўжалиги ва агрокластерларнинг самарали фаолият юритиши асосини ташкил этади. Чунки, пахтачилик соҳасида экин майдони бирлиги ҳисобига тўғри келувчи ўзгармас харажатлар миқдори юқорилиги боисдан, маълум ҳосилдорликка эришилгандан сўнггина пахта етиштириш фермер ва агрокластерларга фойда келтира бошлайди. Пахта ҳосилдорлигини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бунда, ҳудуд учун мос келадиган пахта навларини тўғри танлаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, пахтанининг касаллиги ва хашоратларига қарши кўрашишни тўғри ташкил этиш ва шунингдек далада фаолит юритаётган пахтакорлар манфаатларини ҳимоялаб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида ўрганилган йиллар (2018–2020 йй.) давомида пахта экин майдони камайиб борган. Натижада, пахта ҳосилдорлигини ўсиши ва ялли маҳсулотини ҳажмларини ортишини таъмин этган (1-жадвал).

1-жадвал. Маълумотларидан кўриниб турибдики, пахтачилик тармоғида Каттақўрғон тумани қишлоқ хўжалигида етакчи соҳалардан бири бўлиб, ўрганилган 2020 йилда туман фермер хўжаликлари 10999 гектар ер майдонида пахта хом ашёси етиштирилган. Ҳосил-

Жадвал.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани фермер хўжаликларида пахтачилик тармоғини асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2020 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариш	
			2018	2019	2020	+/-	%
1	Экин майдони	Га	12191	10974	10999	-1192	90,2
2	Ҳосилдорлик	ц/га	17,2	23,4	32	14,8	186,0
3	Ялпи ҳосил	тонна	20968	25679	32997	12029	157,4
4	Жами даромад	млн сўм	70189	115311	169400	99211	241,3
5	Жами харажат	млн сўм	78202	110381	143240	65038	183,2
6	Ялпи фойда	млн сўм	-8013	4930	26160	34173	326,5
7	Рентабеллик даражаси	%	-10,2	4,5	18,3	8,1 пунктга кўпайган	
8	1 гектарга						
-	харажат	минг сўм	6415	10058	13023	3608	203,0
-	даромад	минг сўм	5757	10507	15401	9644	267,5
-	фойда	минг сўм	-656	449	2378	1722	362,5
9	1 т. пахтани таннари	минг сўм	3729	4298	4341	612	116,4
10	1 т. сотиш баҳоси	минг сўм	3347	4490	5134	1787	153,4

дорлик 2020 йилда 32 ц/га, 2018 йилда 17,2 ц/га ни ташкил этган бўлиб, 2018 йилга нисбатан 14,8 ц/га ошган. Етиштирилган ялли ҳосил 2020 йилда 2018 йилга нисбатан ҳосилдорлигининг ортиши ҳисобига 12029 тонна ёки 57,4 % га кўпайган.

Бу хулосалар бир қатор тақлифлар ишлаб чиқариш имконини беради:

- пахтачиликда ҳудудлар кесимида навларни илмий асосланган ҳолда жойлаштириш ҳосилдорлигини оширишга таъсир этади;
- хўжаликларда экин турлари бўйича алмашлаб экишни ташкил этиш, бегона ўтларга қарши курашади ва тупроқ унумдорлигини оширади;
- фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш жараёнида агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишлари ишлаб чиқариш самардорлигини оширади.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожатнома-си 2020 йил 29 декабр.
2. О. Муртазаев, Ф.Б. Ахроров, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти- Т.: ИЛМ ЗИЁ. 2017.
3. А.А. Абдувалиев. Рақамли иқтисодиёт: тенденциялар ва истикболлар- Тошкент. 2020.